Тошкент ҳақиқати

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

№ 109 (10.358).

1992 йил 23 июль пайшанба

Баҳоси 2 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

• Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДИПЛОМАТИЯ ХОДИМЛАРИ УЧУНДИПЛОМАТИЯ ДАРАЖА ВА МАРТАБАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун «Дипломатия муносабатлари тўғрисида»ги 1961 йилги Вена Конвенцияси ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даражалари ва мартабаларини белгилаб беради.

1-модда.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг 3 даражаси белгиланади:

чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор Элчи;

чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор Вакил;

чет давлат Ташқи ишлар вазири ҳузурида аккредитация қилинадиган Ишончли Вакил.

Ўзбекистон Республикаси ваколатхоналарининг бошлиқлари мансуб бўлиши лойиқ кўрилган даража дипломатия муносабатлари ўрнатаётган давлатлар ўртасидаги аҳдлашувда белгилаб қўйилади.

2-модда.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги дипломатия мартабалари — Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатхоналари дипломатия ходимларига бериладиган алоҳида хизмат унвонлари белгиланади:

Фавқулодда ва Мухтор Элчи;

Биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил;

Иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил;

Биринчи даражали маслаҳатчи;

Иккинчи даражали маслаҳатчи;

Биринчи даражали биринчи котиб;

Иккинчи даражали биринчи котиб;

Биринчи даражали иккинчи котиб;

Иккинчи даражали иккинчи котиб;

Учинчи котиб;

Атташе.

3-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, биринчи ва иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил мартабалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан берилади.

Ана шу масалалар юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири киритади.

Бошқа дипломатия мартабалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг буйруғи билан берилади.

Бу мартабаларни бериш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг малака комиссияси киритади.

Малака комиссиясининг таркиби ва у ҳақдаги низомни Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири тасдиқлайди.

Дипломатия мартабалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг раҳбар ва масъул ходимларига ҳам берилиши мумкин.

4-модда.

Бирламчи дипломатия мартабаси — атташе дипломатия хизматида камида бир йил ишлаган кишига берилади.

Дипломатия ваколатхоналарининг ходимларига навбатдаги учинчи котиб, иккинчи котиб мартабалари малакасига ҳамда хоҳ марказий девонда, хоҳ Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги ваколатхоналарида камида 2—3 йил, биринчи котиб, маслаҳатчи мартабалари эса камида 3—4 йил хизматни муваффақиятли ўтаганлигига қараб берилади.

Ишдаги катта ютуқлари учун дипломатия ваколатхонасининг ходими белгиланган муддатдан олдин юқорироқ дипломатия мартабаси беришга тавсия этилиши мумкин.

5-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Фавқулодда ва Мухтор Вакил мартабалари бир умрга берилади.

Бошқа дипломатия мартабасига эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимидан пенсияга чиққанлари тақдирда уларнинг бу мартабалари сақланиб қолади.

6-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Фавқулодда ва Мухтор Вакил дипломатия мартабаларидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан маҳрум этилади.

Дипломатия ваколатхоналарининг бошқа аъзолари хусусида бу масала юзасидан қарорни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг малака комиссияси тақдимига кўра Ташқи ишлар вазири қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

ИСЛОМ КАРИМОВ СИ-ЭН-ЭН МУХБИРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 21 июль куни Американинг Си-эн-эн телекомпанияси мухбири Шиван Дэрроу билан учрашди ва журналистнинг саволларига жавоб қайтарди.

Мустақил республика раҳбари Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингандан кейин ўтган давр тўғрисида гапириб, аниқ иқтисодий йўлни белгилаб олиш, барқарор сиёсий ва миллатлараро вазият асосий жиҳат бўлганлигини таъкидлади.

Президент Ўзбекистонда бой табиат ресурслари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг етарли даражада кенг тармоқли ёрдамчи соҳалари мавжудлигини таъкидлаб ўтди. Бу эса олга томон ишонч билан ҳаракат қилишнинг пухта кафолатидир.

(ЎзА).

** Беш ҳалқа белгиси остида*

БАРСЕЛОНАДАГИ УЧРАШУВ

Барселонада Халқаро олимпиада комитетининг 99-сессияси очилди. Сессия ишида қатнашиш учун 2000 йилдаги XXVII ёзги олимпиада ўйинларини Тошкентда ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун Тошкент шаҳрининг даъвогарлигига доир Ўзбекистон пойтахти ва тайёргарлик комитетининг делегацияси таклиф этилди.

Халқаро олимпиада комитетининг президенти Хуан Антонио Самаранч Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга йўллаган шахсий мактубини Тошкент делегациясига топширди. Мактубда Ислом Каримов Барселонадаги XXУ Олимпиада ўйинларини расмий равишда ёпиш маросимида иштирок этишга таклиф қилинган.

Тошкент шаҳри делегацияси Барселонада ўз ишини давом эттирмоқда. Халқаро олимпиада комитети, халқаро спорт федерацияларининг аъзолари билан кўпдан-кўп учрашув ва музокаралар бўлди.

(ЎзА)

АМЕРИКАЛИК ИСЛОМШУНОС ТАШРИФИ

● Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасида 20 июль куни американлик исломшунос олим, Чикаго дорилфунунининг профессори Мустафо Абдулбосит Аҳмад билан суҳбат бўлди.

Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф суҳбатга ташриф буюрган кишиларни меҳмон билан таништириб, унинг ислом маданияти ва динини илмий ўрганиш, чуқур таҳлил этиш борасида қилаётган меҳнатларини таъкидлади.

Мустафо Абдулбосит Аҳмад Қуръондаги башоратлар, мўъжизалар ҳаётда ўз аксини топиб келаётганини илмий асосда, мисоллар билан таҳлил қилди. Америка Қўшма Штатларида Ислом жамияти фаолият кўрсатмоқда. Турли соҳаларда иш олиб бораётган олимлар Қуръонда баён этилган мўъжизалар ўз фаолиятларида аксини топаётганини кўрмоқдалар, деди Мустафо Абдулбосит Аҳмад.

Суҳбатдан сўнг американлик меҳмон бу ерда тўпланган уламолар, диндорларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига батафсил жавоб берди. **(ЎзА).**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ДОКТОРАНТЛАР ВА АСПИРАНТЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг илмий салоҳиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, юқори малакали ходимларни тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек аспирантлар ва докторантларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантура ва аспирантурада таълим олаётган шахсларга, улар қайси идорага бўйсунишларидан қатъий назар, 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги миқдорда стипендиялар, шу жумладан имтиёзли овқатланишга ойлик компенсация тўловлари белгиласин.

Докторантларга — олий ўқув юртининг илмий даражаси бўлган муаллимининг мансаб оклади миқдорида;

Аспирантларга — олий ўқув юртининг илмий даражаси бўлмаган муаллимнинг мансаб оклади миқдорида.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги шу мақсадларга зарур миқдорда пул ажратсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 20 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ҳ. М. АБДУЛЛАЕВ ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг атоқли олими, давлат арбоби Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг катта хизматларини ҳисобга олиб ҳамда 1992 йил август ойида туғилганига 80 йил тўлиши муносабати билан Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Академик Ҳ. Абдуллаев таваллудининг 80 йиллиги республиканинг ижтимоий, жамоатчилик ва илмий ҳаётида йирик воқеа сифатида кенг нишонлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қ. Қорабоев бошчилигида юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий комитети тузилсин.

3. Сентябрь ойида Ҳ. М. Абдуллаевнинг номини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой ичида метро станцияларидан бирига ҳамда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига унинг номини бериш масаласини кўриб чиқсин.

5. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга олиб келган улкан илмий ютуқлари учун бериладиган Ҳ. М. Абдуллаев номидаги диплом ҳамда медаль таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси икки ҳафта ичида Ҳ. М. Абдуллаев номидаги медалнинг эскизини ва макетини тайёрласин ҳамда медаль билан мукофотлаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин.

6. Тошкент Давлат техника университетининг геология-қидирув факультетида Ҳ. М. Абдуллаев номидаги стипендия таъсис этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар комитети:

Ҳ. М. Абдуллаевнинг юбилейига бағишланган илмий сессия ўтказсинлар;

Ёш олимлар ўртасида Ҳ. М. Абдуллаев асарларини ўқиш кунлари ўтказишни ташкил этсинлар;

Ҳ. М. Абдуллаев ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб радио ва телевидениеда эшиттиришлар ва кўрсатувлар тайёрлашни, газета ва журналларда мақолалар нашр этишни ташкил қилсинлар.

8. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, газета ва журналлар муҳарририятлари Ҳ. М. Абдуллаев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тадбирларни кенг ёритсинлар.

9. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси 30 августгача Ҳ. М. Абдуллаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли телефильм яратсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ва Вазирлар маҳкамасининг ижтимоий масалалар, фан ва таълим мажмуи (ўртоқ М. Қ. Қорабоев)га юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 20 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДИПЛОМАТИЯ ХОДИМЛАРИ УЧУН ДИПЛОМАТИЯ ДАРАЖА ВА МАРТАБАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилиниши биланоқ амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг дипломатия мартабалари учун мансаб окладларига устама ҳақларни белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига собиқ СССРнинг қонунларига мувофиқ берилган дипломатия даражалари Ўзбекистон Республикаси дипломатия даражаларига тенглаштирилган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

ТУРКИЯЛИК ТИЛШУНОСЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича Бош директори, фавқулодда элчи Билол Шимшир бошчилигидаги Туркия жумҳуриятининг бир гуруҳ тилшунослари Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Делегация сафида турк тили қуруми аъзоси, профессор Ҳамза Зулфиқор, Анқара университетининг доценти Сема Барутчи бор.

21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров меҳмонларни қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида уларга республикада Ўзбекистон истиқлолининг бир йиллик тўйини, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалини ҳамда Нодирабегимнинг 250 йиллик таваллудини нишонлаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тўғрисида сўз борди.

Меҳмонлар Республика Фанлар академиясида, Тошкент Давлат университетида, жаҳон тиллари университети ва шарқшунослик институтида, қўлёзмалар фондида бўладилар, кўҳна Самарқанднинг зиёрат қиладилар.

(ЎзА).

Эрали Исоқов Юқори Чирчиқ районидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида қатор йиллардан бери меҳнат қилади. Суратда: механизатор Э. Исоқов иш устида.

Суратқаш М. МАҲМУТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

18 июль куни Вазирлар Маҳкамасида давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети, ҳокимиятлар, вазирликлар, идоралар, концернлар, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш масалалари билан шуғулланувчи республика уюшмалари раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко бошқарди.

Бош вазир ўринбосари А. Н. Возненко республикада мол-мулкни хусусийлаштириш жараёнини таъминлаш учун қонуний ва ташкилий-тузилма негизини тайёрлаш юзасидан қилинган ишлар тўғрисидаги масалаларга қисқача тўхталди. У ўз нутқида республикада тузилган давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети бу жараённи тартибга солишга ҳар томонлама ёрдам беришини таъкидлади. Бу комитет зиммасига давлат мол-мулкининг эгаси ваколатлари юклатилган. А. Н. Возненко шу комитет ҳамда унинг вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари зиммасига юклатилган вазифаларга батафсил тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети раисининг биринчи ўринбосари Ш. Р. Ғафуров 1992—1993 йилларда мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб берди. У ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларининг асосий қоидаларини баён қилди. Бу ҳужжатлар хусусийлаштириш учун ариза беришдан бошлаб мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ордер беришгача давлат мол-мулки иншоотларини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш тартибини белгилаб беради.

Давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети Тошкент шаҳар ҳокимияти билан биргаликда шу шаҳардаги уй-жойларни хусусийлаштириш тўғрисидаги низомни тайёрлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширди, тажриба тариқасида машинасозлик ва радиоэлектрон саноатининг бир қанча корхоналарини давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир ҳужжатлар тайёрланмоқда. «Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси ҳамда Ўзбекистон маиший хизмат уюшмаси билан биргаликда давлат савдоси ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларини хусусийлаштириш дастури тайёрланмоқда. Қурилиш вазирлиги, Тошкент қурилиши бош бошқармаси ҳамда монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлиги мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш, хусусийлаштириш соҳасида анча иш қилганлиги таъкидланди.

Маҳаллий саноат вазирлиги давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети билан биргаликда биринчилардан бўлиб корхоналарни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир асосий қоидаларни ишлаб чиқди.

Ш. Р. Ғафуров 1992—1993 йилларда республика ва коммунал мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастурини қисқа муддатда тайёрлаш ҳамда бу жараённи амалга ошириш чоғида корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволига қараб, улар меҳнат жамоаларининг шу жараёнга тайёрлигини ва бошқа бир қанча омилларни ҳисобга олиб, устивор йўналишларни белгилаш зарурлигига батафсил тўхталди.

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигига қарашли корхоналарда мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари хусусида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари тўғрисида вазир П. Н. Нўъмонов, енгил саноат корхоналари давлат уюшмаларига қарашли корхоналарда шу соҳада олиб борилаётган тайёргарлик ишлари ҳақида уюшма раиси У. К. Исмоилов сўзладилар.

Концернлар, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, ҳокимиятлар вакилларига бир қанча саволлар берилди ҳамда мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ривожланишини тартибга солишга доир таклифлар ва тавсиялар айтилди.

Бош вазир ўринбосари А. Н. Возненко кенгаш ишининг охирида унга якун ясади ва қуйидаги қарор қабул қилинди:

Вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмаларда ўз тармоғи доирасида 1992—1993 йилларда давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастурига киритиш тавсия этилган иншоотлар, айниқса кам рентабелли ва зарар келтирувчи корхоналар рўйхатидаги иншоотлар юзасидан аниқ таклифларни ишлаб чиқишга доир барча тайёргарлик ишларини амалга оширадиган доимий ишлайдиган гуруҳлар тузилсин. Бу таклифларда ана шундай корхоналарни ўзгартиришга, шу жумладан уларни корхона зарарларини қоплаб, уни иш бошлашнинг янги шароитига олиб чиқишига имкон берадиган очиқ акционерлашга доир андозаларни ишлаб чиқилсин.

Вазирликларга, идораларга, концернларга, уюшмаларга, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳокимиятларига давлат мол-мулки иншоотларини давлат ихтиёридан чиқаришга ва хусусийлаштиришга доир меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларига ўз мулоҳазалари ва таклифларини бир ҳафта ичида кўриб чиқиб, уларни давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитетига тақдим этиш топширилди.

Давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармаларининг алоҳида аҳамияти таъкидланди, уларнинг зиммасига вилоятларда, районларда, шаҳарларда давлат мулкини давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатини ўтказиш вазифаси юклатилади.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга киргунга қадар ва кучга киргандан кейин мулкчилик шаклини ўзгартирган барча давлат корхоналари мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларни давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитетида ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларида қайта расмийлаштириш лозимлиги белгилаб қўйилди.

• Менежерлар кўпаймоқда

«ҚАЛДИРҒОЧ»ЛАР САРАТОНДА УЧАДИ...

— Мустақил Республикамиз истиқболи ишбилармон кишиларнинг фаолиятига боғлиқдир, — дейди Ўзбекистон агротижорат институтининг ректори Р. Турсунов. — Эзгу мақсад йўлида ишлаётган институтимиз дастлабки қалдирғочларни учирма қилди.

Куни кеча тижоратчи-менежер дипломини олган 140 талаба бир йил тиғиз дастур асосида ўқиди. Шунинг учун биз ўқитувчиларни танлашга алоҳида аҳамият бердик. Мукаммал дарсликларнинг камлиги ўқитувчилар масъулиятини янада оширди. Бўлажак ишбилармонлар инглиз тилида сўзлашни, ҳисоблаш машиналари ва компьютерларда ишлашни ҳам ўргандилар. Талабалар кичик ва қўшма корхоналарда иш юритиш, тижоратнинг сир-асрорлари билан таништилар.

Ҳозир талабаларимиз агросаноат комплекси, Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси ҳамда агротижорат республика акционерлик банкида иш бошладилар. Институтни аъло баҳога битирган ёшларнинг АҚШ ва Туркия агротижорат банкларига тажриба ўрганиш учун боришлари мўлжалланмоқда.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

Ҳ. М. АБДУЛЛАЕВНИНГ 80 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТИ

М. Қ. Қорабоев — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари (ташкилий комитет раиси).

М. С. Салоҳиддинов — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Президенти (ташкилий комитет раисининг ўринбосари).

Т. Ш. Шоёқубов — Давлат геология ва минерал ресурслар комитетининг раиси (ташкилий комитет раисининг ўринбосари).

ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТ АЪЗОЛАРИ

Ғ. А. Абдураҳмонов — Давлат геология ва минерал ресурслар комитети раисининг биринчи ўринбосари.

Х. А. Акбаров — Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

О. М. Акромхўжаев — Фанлар академиясининг вице-президенти.

Қ. Ғ. Ғуломов — Фанлар академиясининг бош илмий котиби.

Х. Р. Жўраев — Давлат кинокомпаниясининг раиси.

Мурод Муҳаммад Дўст — Миллий ахборот агентлигининг бош директори.

Е. Х. Турақулов — Фанлар академияси эндокринология институтининг директори.

С. С. Саидқосимов — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси.

О. У. Салимов — Тошкент давлат техника университетининг ректори.

А. И. Фозилбеков — Тошкент шаҳар ҳокими.

Р. Ш. Шоғуломов — Давлат матбуот комитетининг раиси.

Н. Р. Юсупбеков — Давлат фан ва техника комитетининг раиси.

Б. Қ. Ҳайитбоев — Давлат телерадиокомпаниясининг раиси.

З. А. Ҳакимов — Маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи.

Н. Ҳ. Ҳамробоев — Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг директори.

МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗАСИ

БЕТОН ҚОПЛАШ ШАРТМИКАН?

СЕРҚУЕШ республикамизнинг тупроғини олтинга қиёс қилишлари бежиз эмас. Унда ҳамма ва ҳар қандай ўсимликларни ўстириш мумкин. Бунинг учун фақат сув бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам бизда янги ерларни ўзлаштириш учун кўплаб ирригация шахобчалари қурилмоқда. Каналлар ва ариқларни, айниқса, янгиларининг устига бетон қоплаш одат бўлиб қолди. Эмишки, сув тупроққа сингимайди ва тежалади, чунки бетон бунга йўл қўймайди.

Аслини олганда буни доим ҳам тўғри, деб ҳисобламайман. Кўп йиллик кузатишлар менда шундай фикрни шакллантирди.

Маълумки, қуёшнинг иссиқ нурларини бетон ўзига кўп сингдиради. Қизиган бетон эса ариқ-каналларда оқаётган сув анчагина қисминнинг бугланиб кетишига сабаб бўлади. Иссиқ кунларда бу бугланиш миқдори тупроққа сингадиган миқдордан ҳам кўп бўлади.

Канал-ариққа бетон «кўйлак» кийгизилмасдан уларнинг икки томонига қалин дарахт кўчатлари экилгани маъқул. Бу дарахтлар кўкариш, илдиз олиш даврида канал—ариқ сувидан фойдаланади. Улар катта бўлгач шох-шаббалари оқаётган обиҳаётнинг бугланишини камайтиради. Ер остига чуқур кириб борган илдизлар эса ер остидаги сув ва унда эриган минерал тузлар билан озиқланади. Шундай бўлгач, ер ости сувн ҳисобига каналларнинг сувини кўпайтиради. Айни вақтда канал қирғоқларининг мустаҳкамлигини кучайтиради.

Қишда эса сувни кўплаб ушлаб туради. Бундай обиҳаёт баҳор ва ёз фасллари да экинларни суғоришда фойдаланилади. Ҳисоблашларга қараганда, бир центнер қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш учун минг центнер сув керак бўлса, жаҳон бўйича дарахтлар қишда тўплаган сув заҳиралари ҳисобига 150 миллион тоннагача дон етиштириш мумкин экан.

Шунинг учун ҳамма канал-ариқларни бетонлаш лозиммикин!? Буни чуқур ўйлаб кўриш вақти келди.

Х. РАМАНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги 67-ўрта мактаб ўқитувчиси.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ АРАФАСИДА

Ўзбекистон аҳли интизор кутаётган кун — Республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги нишонланадиган мўътабар сана тобора яқинлашмоқда. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати комитети раиси, Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўриш республика комиссияси ишчи гуруҳининг раҳбари М. М. Мирқосимовга бир қанча саволлар билан мурожаат қилди.

— Мираҳмад Мирҳожиевич, асосий тантаналар 1 сентябрь куни Мустақиллик майдонида бўлади. Ўша кунни бир тасаввур этиб кўрайлик.

— Аввало мен 31 август ва 1 сентябрь кунлари Мустақиллик куни муносабати билан умумхалқ байрами бўлишини айтиб ўтмоқчи эдим. 1 сентябрда Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тантанали мажлиси бўлади. Бу анжуманга Тошкент шаҳри жамоатчилигининг вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг делегациялари таклиф этилади. Чет эллик меҳмонлар, ҳорижий давлатларнинг Тошкент шаҳридаги дипломатик ваколатхоналари намояндаларини мезбон сифатида лутф билан кутиб оламиз. Шу куни муҳташам саройда байрам концерти бўлади. Республикамизнинг жами шаҳарлари ва районларида, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ва даҳаларда шу улуғ кунга бағишлаб оммавий халқ сайллари ўтказилади.

Тошкентнинг бош майдони не-не ижтимоий-сиёсий ва маданий воқеаларнинг гувоҳи бўлган, лекин бу галги байрам ўзгача шукуҳ, ўзгача тароват билан ўтади. Чунки эндиликда озод халқ ўзининг чинакам миллий байрамини нишонлайди.

...Баланд иморатларнинг тепасидан карнай садолари эшитилади, жўровоз бўлиб майдондан ҳам карнай-ноғора оҳанглари янграйди. Шундай қилиб қадимий ўзбек удумига кўра байрам бошланиши овоза қилинади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунига бағишланган шеърлар ўқилади. Қўҳна байрам куйи — «Дучава» чалинади. Осмонга тезучар қирувчи самолётлар кўтарилади. Республикамизнинг миллий байроғи ранглари кўкда ял-ял товланади. Шу таҳлитда гўё ўтмиш билан бугунги кун юз кўришгандек бўлади. Байрамнинг ушбу дебочасида фольклор дастаси, қўшма ҳарбий оркестр иштирок этади.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика аҳлини муборак байрам билан қутлайди.

Тарихимизда биринчи бор Ўзбекистон миллий гвардиясининг паради бўлади. Парад қўмондони Президентга ва Мудофаа вазирига Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг сафга чиққан қисмлари тантанали маршга шай бўлиб тургани ҳақида ҳисоб беради. Шундан кейин майдондан ватанимиз посбонлари — аскарлар ва жанговар техника саф тортиб ўтади. Ҳарбий парад қўшинимиз Ўзбекистон суверинитети ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини муҳофаза этишга тайёр эканининг намойишига айланади деб ўйлайман.

«Мустақиллик, дўстлик, тинчлик»дек ҳар бир кишининг кўнглига яқин сўзлар байрамимиз шиоридир.

Табаррук кунларда аждодларимизни эслаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Маълумки, буюк ипак йўли дилларни-дилларга, элларни-элларга боғлаган, Пойтахтимиздаги районлардан бирининг сафларида ана шу манзаралар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Майдондан қўнғироқларини жаранглатиб карвон, кўҳна либосларда карвонбошилар ва карвон аҳли ўтади. Шу куни бу ерда биз Тўмарис ва Спитаменни, Абу Али Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний, Амир Темир ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, Улуғбек ва Навоийни кўргандек бўламиз. Аждодларимиз руҳидан мадад оламиз ва улуғ ишларга камарбаста бўлиб туриш учун куч-ғайратга тўлмиз. Хуллас, байрам тантаналари ёдимизда умрбод қолади деб ўйлайман.

— Расм-русмимизга кўра, байрамлар, ҳайитлар совғасаломсиз бўлмайди...

— Тўғри. Аввало шаҳарларимиз, район марказларида юбилейга қизғин тайёргарлик кўрилаётганини айтиб ўтмоқчиман. Улар бамисоли янги сарупо киядилар, ўзларига оро берадилар. Мустақиллик кунига бағишлаб нашриётларимиз янги китоблар, брошюралар чиқарадилар. Маҳаллий саноат, алоқа вазирликларининг корхоналари, Ўзбекистон енгил саноати уюшмаси, озиқ-овқат саноати, ўзбек чинниси концернлари, давлат матбуот комитети байрамга атаб совға-саломлар тайёрлайдилар. Шу қутлуғ санага бағишлаб юбилей медалини чиқариш мўлжалланмоқда.

— Ўзбекистондаги ҳар бир жамоа, ҳар бир фуқаро катта тўйга тўёна билан келиш ниятида десак, янглишмасак керак...

— Тўйда, маъракаларда бел боғлаб хизмат қилишга ўрганган халқимиз. Мустақиллик кунини нишонлашга баҳолиқудрат ёрдам беришга аҳд қилган одамлар беҳисоб. Шу боисдан махсус жамғарма очишга қарор қилинди. Унда корхоналар ва фуқаролардан тушган маблағлар йиғилади. Ўзбекистондаги жами меҳнат жамоалари, шунингдек чет эл фирмалари билан биргаликда очилган корхоналардан тушган маблағлар, айрим фуқароларнинг ҳадяларини ҳам шу ҳисобга ўтказиш мумкин.

Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг кўксида ватанга меҳр алангаси ловуллаб турибди. Эл-юрт равнақи учун тер тўкаётган ҳар бир киши байрамга ўз меҳнати, ўз улуши билан ҳисса қўшади деб ўйлайман.

А. АБДУҚОДИРОВ,
ЎзА мухбири.

● ЎЗБЕКИСТОН—ВАТАНИМ МЕНИНГ

«ЎРТА ОСИЁ ТРАНС» деб аталган қудратли автомобиль фирмаси ташкил этилганлиги Ўзбекистон бозор муносабатларига дадил интилаётганининг яна бир ёрқин исботи бўлди. Халқаро миқёсда юк ташишга ихтисослашган бу фирма республика ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги ҳузурида ишламоқда. Суратда: навбатдаги сафар олдидан.

Р. Шагаев (ЎзА) суратн.

МУРОЖААТНОМА АСОСИДА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ

ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ИЙҒИЛИШДАН

Ҳозирги мураккаб вазият жиноятчи унсурларга қўл келаётганлиги сир эмас. Ижтимоий аҳволнинг оғирлиги, ҳамма нарсанинг нархи осмон баравар ошиб кетганлиги талончилик, босқинчилик, ўғирлик каби жиноятларни келтириб чиқармоқда. Энг ёмони — Ўзбекистонда жиноят содир этган кимсалар Кавказ орти давлатлари, Болтиқбўйи республикаларига жуфтакни ростлаб қолишмоқда, ишбилармон ниқобидаги унсурлар халқнинг ризқ-рўзини тортиб олишдан қайтмаяптилар.

Шундай шароитда ички ишлар органлари ходимлари масъулияти уч-тўрт баравар ошади. Улар қуролланган жиноят олами вакилларига юзма-юз келишлари, ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, таваккалига иш тутишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати шунинг учун ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан бир қатор тадбирлар белгилади, уларнинг ойлик маошлари оширилди.

Яқинда Тошкент вилоят ички ишлар бошқармасида ўтказилган йиғилишда шулар тўғрисида алоҳида сўз юритилди, Президентимиз эътибори, ғамхўрлигига жавобан астойдил хизмат қилиш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз кураш олиб бориш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Вилоят ички ишлар органлари ярим йиллик иш фаолиятларига бағишланган йиғилишни вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Н. А. Исмоилов қисқача кириш нутқи билан очди.

Йиғилишда вилоят ички ишлар бошқармаси штабининг бошлиғи милиция подполковниги С. Алимбоев маъруза қилди. У вилоят ички ишлар органлари ходимлари ўтган ярим йилда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтирганликлари натижасида бир қатор оғир жиноятлар камайганлигини таъкидлаб ўтди. Масалан, ўтган ярим йилда қасддан тан жароҳати етказиш 24 фоизга, номусга тегиш 36,1, босқинчилик 4, талончилик 10,3, қасддан ўт қўйиш 35, жиноий безорилик 34,3, ўлим ҳолати билан тугаган автоҳалокатлар салкам 34 фоизга қисқарди.

Ҳисобот даврида милиция идоралари томонидан жамоат жойларида ва кўчаларда жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилган тадбирлар, патрул-посбон хизмати фаолиятининг кучайтирганлиги ўз самарасини берди: жамоат жойларида жиноятлар салкам 7 фоизга, шу жумладан, кўчаларда содир қилинган жиноятлар 14.2 фоизга камайди.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар ҳозирги вазиятда жиноятчилик билан курашиш юзасидан ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишда участка инспекторларининг ўрни алоҳида ажралиб туради. Вилоятда шундай моҳир, ташкилотчи инспекторлар борки, улар ўз ихтиёрлардаги ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг каттадан-кичигини, нима иш билан машғулликларини яхши билишади. Афсуски, ҳамма инспекторлар ҳам бирдек астойдил хизмат қиляптилар, деб бўлмайди. Бундан ташқари, уларга эътибор кўнгилдагидек эмас, хизмат сафарларига асосан участка инспекторлари жўнатилади.

Яна бир муаммо: Тошкентдек йирик вилоятда 538 нафар участка инспектори штати ажратилган. Шундан 367 нафари хўжаликлар ҳисобидан. Агар ҳозир хизмат қилаётган инспекторлар ҳам қисқартирилса, жамоат тартибини сақлаш янада қийинлашади. Пойтахт биқинидаги Зангиота районида бор-йўғи уч участка инспектори хизмат қилмоқда.

Вилоят ички ишлар бошқармаси профилактика хизмати бошлиғи, милиция подполковниги Ш. Толибжонов шулар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Вилоят прокурори А. Маннонов ўз сўзида жиноятларни вақтида очиш, рўйхатга олиш каби вазифаларга эътибор бериш лозимлигини айтди. Баъзан прокурор тавсияномалари ўз вақтида кўрилмайди, жиноятчилик сабаблари таҳлил этилмайди. Бор-йўғи икки районда давлат мулкини ўғирлаш ҳодисалари камайганлиги етарли эмас, албатта. Барча районларда ана шунга эришиш керак. Ўғирлик содир этилган ташкилот ва корхона раҳбарларига нисбатан бирон-бир чора кўрилмаётганлиги ўғирлик каби ярамас иллатнинг таг-томири билан қуритиш имкониятини бермаяпти.

Анжуманда ёшларни иш билан таъминлаш, вояга етмаган болалар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилди.

Музокараларда Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи В. Ф. Окель, Чиноз район ички ишлар бўлими бошлиғи С. Темиров, Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Т. Ашурматов, вилоят автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи С. Азаматовлар қатнашдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Маҳкамаси масъул ходими А. С. Козлов, вилоят ҳокими муовини Б. М. Мақситов, республика ички ишлар вазирининг ўринбосари Р. Ҳайдаровлар қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўнинчи сессияси ҳужжатлари ҳамда шу сессияда қабул қилинган Мурожаатнома асосида астойдил хизмат қилиб, Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашдек улуғ ишга ўз ҳиссаларини қўшажакларини изҳор этдилар.

Э. ҚОСИМОВ.

ҚАЙСИ УСУЛ МАЪҚУЛ?

ХАЛҚИМИЗДА гап билгунча иш бил, деган нақл бор. Айниқса, ҳозирги машаққатли ва айрим ҳолларда тушуниб бўлмайдиган бозор иқтисоди шароитида бу нақлнинг маъноси янада чуқур бўлиб бораяпти. Кунда бўлмаса ҳам кунора турли хил катта-кичик йиғилишлар-у маслаҳатлар, уларда турмуш қийинчиликлари, муаммолари, ҳаёт тарзи ҳақида узундан узоқ маърузалару гап-сўзлар бўлиб турадиган ва уларнинг таъсири деярли сезилмаётган бир пайтда...

Аммо Зангиота районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ҳақида бундай деб айтолмаймиз. Ўтган ярим йиллик якуни, эришилган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, бу хўжаликда аксарият иш биладиган, фидойи, жонкуяр, халқни ўйлайдиган одамлар меҳнат қилишяпти.

Бир вақтлари хўжалик ерлари катта-катта майдонларни ишғол этарди. Йиллар ўтган сайин бу ерларнинг бир қисми шаҳарга ўтиб, қисқариб бораяпти. Ҳозирги кунда бор-йўғи 500 гектарга яқин майдон қолди, холос. Лекин ана шу ерлардан оқилона фойдаланилаётганлиги туфайли мўлжалдагидан ортиқ ҳосил олиниб, мўмай даромад қилинмоқда. Агар далачилик бўйича ўтган йилнинг 1 июлига қадар 2 миллион 600 минг сўм даромад олинган бўлса, бу йил шу муддат давомида даромад 9 миллион сўмга етди. Умуман, барча тармоқлари бўйича бу йилги ярим йилликда салкам 12 миллион сўм даромад олинди. Агар ҳар гектар ерга тақсимланадиган бўлса 53 минг сўмга тўғри келаяпти. Эртаги экин 177 гектар майдонга экилган эди. Ундан олинган ҳосил ҳисобига салкам 9 миллион сўм фойда кўрилди.

Чорвачилик хўжаликда салмоқли ўрин эгаллайди. Аслини олганда ҳозирги ер шароити катта фермани фойда келтирадиган ҳолатда ушлаб туриш имкониятини бермайди. Бироқ хўжалик деҳқонлари ва чорвадорлари ҳамкорликда меҳнат қилиб, изланиб, имкониятлардан фойдаланиб, бу тармоқдан ҳам катта фойда олмоқдалар. Ярим йиллик режа ошириб бажарилди. Гўшт бўйича эса йиллик режа уддалаб қўйилди. Бунга қандай қилиб эришилди?

Колхоз ўз йўлидан борди. Ўзи фермасида етиштириладиган буқаларни бўрдоқичилик пунктига топширишдан воз кечди. Ҳар йили сараланган 100 та буқа боқувга қўйилади ва у 10 январга қадар боқилади. Сўнг гўштга топширилади. Ҳар бир буқа хўжаликка кам деганда 20 минг сўм даромад келтирмоқда. Тўғри, бу ишнинг ўзига яраша муаммолари, қийинчиликлари бор. Лекин чорвадорлар ғолишмаяпти. Эпини қилишяпти. Ўз навбатида колхоз маъмурияти ҳам қараб -тураётгани йўқ. Озуқа базасини мустаҳкамлаш, ем-хашак мўл-кўллигини таъминлашда чорвадорларга астойдил ёрдам бераяпти. Ўтган йилги қишловнинг якунланиш даврида озуқа тугаб қолиб, бироз қийналишга тўғри келди. Бир жиҳатдан бу сабоқ бўлди. Ҳозиргача 1423 тонна хашак жамғарилди. Бу иш давом этмоқда. Кам деганда бир ярим йилга етадиган хашак жамғарилади ва ундан ташқари колхозчи хонадонларига ҳам уларнинг чорваси эҳтиёжига яраша пичан етказиб берилади.

Деҳқончилик ва чорвачиликдаги ютуқларга қандай эришиляпти? Умуман бундан буён қайси йўлдан бориш, тармоқни ривожлантиришда қайси усулни қўллаган маъқул? Фермер хўжаликларини ривожлантириш керакми ёки ижара, оила пудрати усулини кенг йўлга қўйиш керак?

Фермерлик керак. Лекин шароитни, имкониятни ҳам ҳисобга олмаса бўлмайди. Биздаги фермерларни очиғини айтганда, чет эллдаги фермерларга сира солиштириб бўлмайди. Улар бой-бадавлат, у ёки бу ишга қўл уришдан олдин маблағни аямай сарфлашади, ана шундан сўнг ишга киришадилар. Қарабсизки уч-тўрт йилдан сўнг фойда ўз-ўзидан оқиб келаверади. Лекин биздами? Бу муддатгача ким сабр-тоқат билан кута олади? Ҳеч ким, албатта. Ер олдингми, фермер бўлдингми, марҳамат қилиб маҳсулотни беришинг керак! Бунинг устига колхозчининг фермерга ёрдами ҳам ҳамиша барака-ли, салмоқли бўлавермайди. Буни ҳам тушуниш керак. Ёрдам берганда хўжалик ўз имкониятини ҳам ҳисобга олиши керак-да!

— Шу туфайли ҳам биз, — деди ярим йиллик ҳисобот йиғилишида маъруза қилган жамоа бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Рашид Каримов, — қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда шароитда бошқа илож йўқ. Чунки даромад кўпайгани билан сарф-ҳаражатлар ҳам кун сайин кўпайиб бормоқда. Уларни қоплаш керак, ҳам деҳқон манфаат кўриши шарт.

Шундай мисол келтирилди. Колхозда битта чорвачилик 2 та деҳқончилик фермер хўжалиги ташкил этилган эди. Фермер хўжаликларни ҳар гектар ердан 8 минг сўмдан, оналавий пудратчилар эса 50 минг сўмдан даромад бердилар. Қаранг фарқни: ер билан осмонча. Ана шу мисолнинг ўзи ҳам колхозчилар тўғри йўлни танлаб олаётганликларидан далолат беради.

Йиғилишда деҳқон меҳнатининг қадри, самараси ва пировард натижадан манфаатдорлик масаласига алоҳида эътибор берилди ва бир қатор қимматли фикр-мулоҳазалар, таклифлар айтилди. Хусусан режадан ташқари етиштириладиган маҳсулотнинг қанча қисмига, қанчасининг қийматига деҳқонинг эгалик қилиши масаласи баҳсга сазовор бўлди. Ҳозирги тартиб—қоидага мувофиқ режадан ташқари етиштирилган маҳсулотнинг 70 ФОИЗИ ДЕҲҚОНГА ҳохласа натура тарзида, хоҳласа пул қиймати берилиши керак. Хўжаликда бунга

Ярим йиллик якуни таҳлили

экиб, 120 тонна ҳосил олинди. Галладан бўшаган ерга силос учун маккажўхори экдик. Бу чорвага ҳам катта фойда бўлди. Умуман олганда илгари ота-боболаримиз аввал ерга арпа, буғдой экиб ҳосил олганлар-да, сўнг бошқа деҳқончилик ишларини қилганлар. Картошка, сабзи,ош, нўхат, қовунтарвуз экканлар. Афсуски, биз ўзимиз, қолаверса, юқорининг тазйиқи билан бу удумни бузиб юбордик. Энди буни қайтадан тиклармасак бўлмайди. Биз бу йил 50 гектар ерга галла экамиз. Ҳозирги шароитда бошқа илож йўқ. Чунки даромад кўпайгани билан сарф-ҳаражатлар ҳам кун сайин кўпайиб бормоқда. Уларни қоплаш керак, ҳам деҳқон манфаат кўриши шарт.

Шундай мисол келтирилди. Колхозда битта чорвачилик 2 та деҳқончилик фермер хўжалиги ташкил этилган эди. Фермер хўжаликларни ҳар гектар ердан 8 минг сўмдан, оналавий пудратчилар эса 50 минг сўмдан даромад бердилар. Қаранг фарқни: ер билан осмонча. Ана шу мисолнинг ўзи ҳам колхозчилар тўғри йўлни танлаб олаётганликларидан далолат беради.

Йиғилишда деҳқон меҳнатининг қадри, самараси ва пировард натижадан манфаатдорлик масаласига алоҳида эътибор берилди ва бир қатор қимматли фикр-мулоҳазалар, таклифлар айтилди. Хусусан режадан ташқари етиштириладиган маҳсулотнинг қанча қисмига, қанчасининг қийматига деҳқонинг эгалик қилиши масаласи баҳсга сазовор бўлди. Ҳозирги тартиб—қоидага мувофиқ режадан ташқари етиштирилган маҳсулотнинг 70 ФОИЗИ ДЕҲҚОНГА ҳохласа натура тарзида, хоҳласа пул қиймати берилиши керак. Хўжаликда бунга амал қилиняпти. Шу кунга қадар режадан ташқари етиштирилган маҳсулотнинг 50 фоизи деҳқонга берилди. Қолган 20 фоизи эса йил якунида берилади. Лекин ҳам режани бажариш, ҳам режадан ошиқ ҳосил олиш осон эмас. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзан деҳқон яхши уруғлик, яхши кўчат учун, ерини маҳаллий ўғит билан тўйдириш учун ўз ёнидан сарфлайди. Лекин унинг бу сарф-ҳаражати ҳисобга киритилмайди, тан олинмайди. Ўзи тартиб шунақа. Шундай бўлгач, деҳқонга алам қилади, ана шу сарф-ҳаражатини чиқариб олай, деб ўзи меҳнат қилиб, ўзи етиштирган маҳсулотга ўзи кўз олайтиради. Ғалати ва қизиқ ҳолат эмасми? Демак, қондага ўзгартиш киритиш керак. Эртаги экин экса режадан ташқари етиштирилган маҳсулотнинг 90 фоизини, кечки экин экканда эса 100 фоизини деҳқоннинг ўзига бериш керак. Ана шунда даладан чиққан ҳар бир килограмм маҳсулот ҳисобга олиб борилади. Деҳқоннинг ҳам юзи ёруғ бўлиб ишлайди, кўнгли ҳижил тортмайди. Даладан бекитиқча маҳсулот олиб чиқиб кетишга уринмайди. Хўжаликка ҳам фойда. Кўрсаткичлари юқорилашади. Мутлақо ўғрилик бўлмайди. Деҳқон биладики, етиштираётган маҳсулоти режадан ташқари. У бу маҳсулотни худди томорқасидан олгандек даладан олиб чиқиб кетаверади. Бу таклиф кўпчиликка маъқул бўлди.

— Биз анча мураккаб шароитда ишлаяпмиз,— деди 2-бригада бошлиғи Қобил Қодиров,— гўё ўзимизни тўрт томони ўралган қўрғон ичида меҳнат қилаётгандек ҳис қиламиз, бир томонда кўп қаватли уйлар қурилиши, иккинчи томондан хусусий томорқа уй ерлари. Яна бир томондан бошқа чегара. Агар оила пудрати усули қўлланилмаганида эди етиштираётган маҳсулотимизни сақлаб қололмасдик. Бу маҳсулотнинг талон-тарож қилинмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмасди. Лекин бизга амалий ёрдам керак. Қурилишлар муносабати билан мавжуд ариқлар бекиليб кетиб далага сув келиши қийинлашиб қолди, экинларимиз мўлжалдагидан кам сув ичяпти. Шунинг учун сув таъминоти масаласида мутасаддиларнинг амалий ёрдамлари зарур.

— Дала-магазин усули ҳақида ҳар йили гапирамиз-у, амалий иш бўлмаяпти. Қачонгача бизнинг не-не машаққатлар билан етиштирган маҳсулотимизга ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, деганларидек даллоллар шерик бўлади?! Баъзан кишига алам қилади. Бизнинг маҳсулотимизни улар 3—4 сўмга олиб, шундоқ кўзимизнинг олдида 7—8 сўмдан пуллашади. Бу аҳволда бизнинг биримиз икки бўлиши қийин-ку!?

Йиғилишда қатнашган район ҳокими Жамил Маликов колхоз меҳнаткашларининг ярим йиллик иш якунига юқори баҳо берди.

— Бу ерда ҳақ гаплар айтилди,— деди у,— уларга тўла қўшиламиз. Деҳқон маҳсулоти ОРКга бориб тушса уерда бир қисми, ундан сўнг омборга боргач бир қисми, туя қилинади. Буни яхши биламиз. Бу йўл билан деҳқонни бойитиб, колхознинг даромадини кўпайтириб бўлмайди. Бу ҳақда ўйлаб муҳим бир қарорга келиш керак. Мана, сизлар ярим йилнинг ўзидаёқ давлат буюртмасини бажардинглар, энди бундан буён ўзларингиз учун меҳнат қиласизлар. Бу меҳнат самарали ва қадрли бўлиши керак. Бозор нимани кўтарса шуни экавериш керак. Маърузачи ва сўзга чиққанлар айрим деҳқонлар ярим йилда 12—15 минг сўм даромад қилаётганликларини айтди. Бу кам, албатта, уни кўпайтириш керак. Чунки сарф-ҳаражатлар кўпайгандан кўпайиб бораяпти. Деҳқончиликда қайси усулни қўллаш — бу ўзларингизга боғлиқ. Фермер хўжалиги ҳақидаги мулоҳазалар ҳам ўринлидир. Районимиздаги Навоий номли колхозда шундай воқеа рўй берди. Бир гуруҳ одамлар бизга ер беринг, фермер бўламиз, дейишди. Хўжалик маъмуриятини, район ҳокимиятини ҳоли-жонига қўймади, тинчлик бермади, юқорига арз қилишди. Ниҳоят уларнинг талаби қондирилди. Лекин натижа нима бўляпти, денг, ғоятда ачинарли! Ҳозир ўша фермерларга қарашли ерлар қаровсиз ётипти. На экин экилган, на қаралган. Ахир бу увол эмасми? Ҳар қарич ер азиз бўлиб турган ҳозирги шароитда бу ўта кетган исрофгарчилик-ку! Фермер асл деҳқон бўлганда эди бундай қилиб қўймасди. Ерни бу қадар хор қилмаслик керак!

Йиғилишда колхознинг келгусидаги ишлари, режалари ўртоқлашилди. Ҳозир ниҳоятда қийин шароит эканлиги тан олинди. Лекин бу қийинчиликларни биргалашиб енгиш мумкин эканлиги айтиб ўтилди. Колхозчилар шундай қилишга аҳд қилдилар. Ҳаражатларни қоплаш учун энг аввало даромадларни кўпайтириш зарурлигини, бунинг учун эса гектарлар самарадорлигини ошириш шарт эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● ЎТГАН жума куни Англия пойтахти Лондонда Босния ва Герцеговинада қуролли тўқнашувларни тўхатишга бағишланган конференция ўтказилди. Лорд Каррингтон мазкур йиғинда мусулмон, серб ва хорватлар вакилларини ўт очишни тўхатиш тўғрисидаги битимга имзо чекиш учун зўрба-зўр кўндирди. Битим 19 июль куни соат 18 дан бошлаб кучга кирди. Томонлар барча қурол турларидан ўт очмаслик ҳамда гижгижлашга жавоб бермаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Жумҳурият ҳудудидаги барча оғир тонфадаги қуроллар эндиликда БМТ назоратчилари тасарруфига ўтади. Қочоқларга ўз уйларига қайтиш имконияти берилди. Алоҳида моддада Босния ва Герцеговинани конституция тарзда қайта қуриш юзасидан музокараларни давом эттириш кўзда тутилди. Битимга қўл қўйган томонларнинг вакиллари 27 июль куни Лондонда яна учрашадилар.

● МОЗАМБИК президенти Ж. Чиссано «Мозамбик қаршилик кўрсатиш миллий ҳаракати» раҳбари А. Длакама билан учрашиш учун розилик берди. Бундан мақсад 16 йилдан бери давом этаётган фуқаролар урушига чек қўйишдир.

Рейтер ахборот агентлигининг таъкидлашича, ғарб дипломатлари Мозамбик президенти бундай беўхшов қадам қўйишга ўртадаги ихтилофни тўхтатишнинг ўзга чоралари қолмаганлиги учун розилик берган бўлиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Узоқ йиллардан буён давом этаётган фуқаролар уруши натижасида бу кичик мамлакатда миллиондан ошиқ одам ҳалок бўлди.

● АССОШИЭЙТЕД пресс ахборот агентлиги Бухарестдан хабар беради: оппозициядаги асосий Миллий-либерал партия мамлакат президентлигига номзод қилиб Румниянинг собиқ қироли Михайни кўрсатмоқда. Партия вакили яқинда сўзга чиқиб, яқин кунлар ичида махсус делегация Женевага — собиқ қирол ҳузурига йўл олади ҳамда ундан сентябрь ойи охирида бўладиган президентлик сайловларида ўз номзодини қўйишга розилик беришлигини сўрайди, деди.

Бироқ, олинган сўнгги хабарга қараганда Михай ўз номзоди қўйилишига розилик бермаган.

● ОММАВИЙ қирғин қуролларини қузатиш билан шуғулланаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир гуруҳ экспертлари ўтган якшанба куни Ироқ пойтахти — Бағдодин ташлаб чиқиб кетдилар. Ироқ маъмурлари қишлоқ хўжалиги ва ирригация вазирлигини тафтиш қилиш учун рухсат бермаганлигидан экспертлар гуруҳи юқоридагича ҳаракат қилишдан ўзини тийиб туролмади. «Ал-аҳром» газетаси шу орада мазкур вазирлик биносини бетараф давлатлар вакилларидан иборат бўлган комиссия текширсин, деган шарт ўртага ташлаганлигини хабар қилди.

● ВАТИКАН радиоси 19 июль куни Рим папаси Иоанн Павел II нинг маърузасини эшиттирди. Маруза «Жемелли» госпиталидаги палатада туриб ўқилди. Муқаддас кўшк тарихида бундай воқеа биринчи марта содир бўлди. Операция қилинган папанинг саломатлиги кундан-кунга яхшиланиб бормоқда.

● КОРЕЯ Халқ Демократик Жумҳуриятининг олий мартабали делегациясининг Жанубий Кореяга сафари бошланди, деб хабар берди Ассошиэйтед пресс ахборот агентлиги. Делегацияга КХДЖ президентининг яқин қариндоши, Маъмурий кенгаш бош вазири ўринбосари, Ташқи иқтисодий қўмита раиси Ким Дар Хен бошчилик қилмоқда. Ташриф КХДЖ томонининг ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

● ЎТГАН якшанба куни Палермо шаҳрига келган Италия судьяси Паоло Борселлиноннинг автомашинаси онаси уйи олдида турган пайтида портлаб кетди. Судья ва унинг беш нафар қўриқчилари ҳалок бўлдилар. 15 киши жароҳатланди, 28 та машина пачоқ бўлди.

52 яшар П. Борселлино икки ой муқаддам ҳалок бўлган судья Жованни Фальконенинг яқин дўсти эди. Италия мафиячилари ундан ҳам шафқатсизларча ўч олишга муваффақ бўлган эдилар. Полиция маълумотларига қараганда, Борселлино Фальконе каби Сицилиядаги уюшган жиноятчиликка қарши беаёв кураш олиб бораётган эди. П. Борселлино автомашинасини портлатиш худди Фальконе машинасини портлатиш тарзида амалга оширилди. Шундай қилиб, Италияда адолат учун кураш олиб борган йўлида қурбон бўлаётган адлия ходимларининг сони камаймаётир.

● ГОЛЛАНДИЯНИНГ Амстердам шаҳрида СПИД бўйича саккизинчи халқаро конференция ўз ишини бошлади. Унда 124 мамлакатдан 10 мингга яқин киши иштирок этмоқда. Амстердам конференциясида «XX аср вабоси» ҳар томонлама таҳлил этилмоқда. Конференцияда тилга олинган рақамлардан атиги биттасини айтиб ўтайлик. Икки мингинчи йилга борибб, СПИД жаҳон иқтисодиётига 514 миллиард доллардик зиён етказади.

Аёл олами

- МУҲАББАТ КУНДА КЕРАК!
- МУШТИПАР АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК!
- ҚУДАЧИЛИК—МИНГ ЙИЛЧИЛИК!

«СОҒЛОМЛИКДАН ЭЛ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР»

ОҲАНГАРОН НОҲИЯСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ РАИСАСИ, ХАЛҚ НОИБЛАРИ «ДЎСТЛИК» ҚИШЛОҚ КЕНГАШИ РАИСАСИ БАХТИХОН МАДАМИНОВА БИЛАН СУҲБАТ

— Бахтихон, ноҳия хотин-қизлар кенгашига ранса этиб сайланганингизга ҳам икки ярим йилдан ошяпти, шу давр ичида нималарга эришдингизу қандай ишларни қила олмадингиз?

— Ўтган давр мобайнида ноҳия хотин-қизлар кенгаши анчагина ишларни қилишга улгурди. Дастлаб ноҳиядаги хотин-қизлар, уларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиб чиқдик. Ҳозирги кунда ноҳиядаги барча ишлаб чиқариш корхоналари, совхозлар, таълим ва тарбия тизимида 35 мингдан кўпроқ аёллар мавжуд. Уларнинг 7 мингга яқинроғини кўп болали хотин-қизлар ташкил этади, мингдан ортиқ аёллар бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнат қилишади, тарбиячилар, муаллимлар, тиббиёт ходимларини ҳам қўшиб ҳисобласак, улар 2,5 минг кишидан кўпроқ. Бироқ масаланинг энг оғир томони шундаки, ноҳиямизда минг кишига яқин аёллар нисбатан ночор кун кечиришади, аксарилари дала ва фермаларда ишлашга мажбур. Ўтган икки ярим йил ичида 21 оилага фарзандларига уй қуриб олиши учун ер участкалари, 19 аёлнинг шифер олиш тўғрисидаги аризалари қондирилишида кенгашимизнинг ҳиссалари бор, албатта. Мавжуд ўнга яқин хотин-қизлар бригадалари учун «Ўзбекистон», Собир Раҳимов номли, «Бирлик» ижара жамоаси, «Оҳангарон» ва бошқа хўжаликларда ишдан бўш пайтларда хордиқ чиқариладиган мавсумий дала шийпонлари қурилди, тўрт онанинг армияга қонунга хилоф равишда кетган ўғиллари чақириб олинди, ўндан ортиқ аёлларнинг болалари хўжаликларнинг боғчаларига жойлаштирилди. Аммо биз қилишимиз керак бўлган ишларимиз ҳали жуда кўп. Жумладан, қўлимизда ишга жойлаштиришларини илтимос қилган йигирмага яқин аёлларнинг арзалари бор. Тўғри, уларнинг айримлари ҳозирданоқ ишга жойлаштирилди. Аммо биз фақат аёллар учун мос келадиган ва қулай ишларни излаяпмиз. Яқин фурсат ичида Собир Раҳимов ва «Ангрен» совхозлари ҳудудида чий тўқийдиган маҳаллий корхоналар очишни мўлжаллаяпмиз. Балки шу баҳона анчагина аёлларимиз иш билан таъминлаб қолишар.

— Оҳангаронинг табиий муҳити бузилиб бўлди, атрофдаги заводлар мусаффо ҳавомизни заҳарлаб, заминимизни мубтало қилган. Ичадиган тоза сувимиз қолмади. Шундай шароитда аёллар саломатлигини муҳофазалаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Кенгашимизнинг энг асосий ишлари ҳам худди шу масалага қаратилган. Гапингиз тўғри. Мўмин ака, агар ишонсангиз бундан икки йил аввал аёлларимизнинг 31 фоизида камқонлик аломатлари, 12 фоизида дармонсизлик, 7 фоизида яна бошқа хасталиклар мавжуд эди. Бу масалага бағишланган йиғилишларимизда мутахассислар корхона ва совхозларнинг раҳбарлари иштирок этишди ва шундай қарорга келдик: ҳозир ҳар ҳафтада ноҳиядаги ҳамқишлоқларда белгиланган тизим бўйича малакали дўхтирлар аёлларни қабул қиладилар. Уларни тиббий кўрикдан ўтказадилар, зарур ёрдамлар кўрсатадилар. Бу соҳада, айниқса, ноҳиямиз марказий шифохонасининг бош дўхтири, вилоят кенгашининг ноиби Тоҳиржон Қаюмов малакали дўхтирлардан М. Мадиёрова, Ҳ. Абдусаматова, Т. Алиева, Р. Турсунова, М. Ҳайдарова, М. Ўринбоева сингари жуда кўп дўхтирларимиз катта ишлар қилдилар. Кўрилган тадбирлар сабаблари оналар ўртасидаги хасталик деярли 76 фоиз камайди, болалар ўлими 74 фоиз қисқарди, камқонлик хасталиги тобора камайиб бораётир. Бу эса кейинги бир йил ичида умумий-фойдали меҳнатда қатнашаётган аёллар сонининг 33 фоизга кўпайишига олиб келди. Аммо биз бу соҳадаги тадбирларимизни тўхтатганимиз йўқ. Янги касалхоналар қурилди, болалар поликлиникаси очилди, янги туғуруқхона биноси бунёд этилмоқда. Қишлоқ шифохоналари ва амбулаторияларини малакали дўхтирлар билан тўлдирилмоқда.

Ҳозир ноҳия совхозларидаги ўндан ортиқ чорвачилик комплексларида аёллар учун текин иссиқ овқатлар тайёрланди, маданият хоналари бор. У ерда кўпинча тиббиёт ходимлари билан ҳам учрашувлар бўлиб туради. Булардан ташқари фақат ўтган йилнинг ўзида хўжаликларда меҳнат қилаётган аёллардан 176 киши ноҳия марказидаги профилакторийда саломатлигини тиклади, 48 аёл жумҳуриятлардаги санаторийларда даволаниб келдилар, 114 аёл жумҳуриятдаги дам олиш уйларида хордиқ чиқардилар, 46 аёл Россия ва Украина шаҳарларига саёҳатларга бориб қайтди. Буларнинг ҳаммаси ноҳия хотин-қизлар кенгашининг тавсияси билан, ноҳиядаги хўжаликлар касаба уюшмаларининг ёрдами билан уюштирилганлигини айтиш жоиздир. Бундан кейин ҳам хотин-қизлар саломатлиги билан жиддий шуғулланамиз. Чунки аёллари соғлом эл қудратли эл бўлади.

— Биз бир вақтлар «дока рўмолнинг қуриши» деб номланган иборани тез-тез учратаяпмиз, лекин ўша «дока рўмол»нинг қуриши бироз чўзилиб кетмаяптими?

— Сўнгги пайтларда оилавий можаролар кўпаяётганлигини яширишнинг иложи йўқ. Буларнинг аксарияти йўқчиликдан келиб чиқади. Қозонда «жиз-биз» бўлмаса, оилада ҳам «сиз-биз» бўлмайди. Аксари ёш оилалар ҳозирги қаҳри қаттиқ танқисликка чидай олмаяптилар. Сўнгги бир воқеани айтиб берай. Телов қишлоқ Шўроси ҳудудида бир ёш оила бор эди. Аёл тиқувчи, йигит — муаллим, етишмовчилик баҳона бўлиб аёл ҳеч кимдан сўрамай, ҳатто эрига ҳам айтмай, онасининг уйига кетиб қолади. Бироз ўтгач у ҳеч кимдан бемаслаҳат ажрим ҳақида судга ариза беради. Ноҳия суди эса аёлнинг эрини ҳатто суд йиғилишига чақирмай ажрим чиқаради. Шунақа, «дока рўмолнинг қуришини чўзилишига» судьяларимиз ҳам «ёрдамлашиб» туришибди. Албатта, биз бунга бефарқ қарамадик. Ёш оила яқин кунларда тикланишига умидвормиз. Бироқ можаронинг асосий сабаблари ёлғиз бу эмас. Биласизми, сўнгги пайтларда айрим енгилтак аёлларнинг «зўрлиги» билан оилада эркакнинг нуфузи зўрмазўраки тушиб кетяпти. Эр шўрлик хотинига қаттиқ гапирса, уришса, югуриб унинг идорасига борадиган бдат чиқарганмиз. Идора эса ҳар қандай шароитда ҳам аёлни ҳимоя қилади «феодал эр зулми»дан. Ёки аксари аёллар гўё ҳамма нарса ўзларининг қўлидан келишини писанда қилгани ҳолда оила бошлиғини менсимайдиган бўлиб қолган. Шу сабабли эркак аста-секин аёлга муте бўлиб «тинч қулоғим» шаклида турмуш кечиришга ўрганиб қолган. Бу нарса аксари шу оилада катта бўлган қизга ҳам ўтади ва у ўзи оила қурганидан сўнг «уясида кўрганини» қилиб, турмушлари бузилиб кетмоқда.

— Бахтихон, ҳозир матбуот саҳифаларида, радио ва телевизордан кўпинча аёллар ишламаса яхши бўларди, деган гаплар эшитиляпти. Сиз эса ўтган йилиёқ ноҳия бўйича совхозларда хотин-қизлар бригадалари сонини ўндан ошириб юборингиз.

— Ҳозирги турмуш аёлларнинг ҳам меҳнат қилиб, оилага ёрдам беришини тақозо қилаяпти. Собир Раҳимов номли совхозда Нури Маматова, «Оҳангарон» давлат хўжалигида Ҳалима Носирова, «Ўзбекистон» хўжалигида Ойсанам Қаршиева, «Бирлик» ижара жамоасида Ҳакима Зиёвутдинова сингариларнинг ташаббуслари билан боғдорчилик ва сабзавотчилик бригадалари ташкил қилинди. Уларнинг далалари ва боғларида етиштирилган ҳосил эркакларнинг бригадаларидагидан кўпроқ бўлди. Ноҳияда 97 аёл оилавий фермерлик иши билан шуғулланади. Улар давлатга гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириб бермоқда. Пиллачилик эса асосан аёлларнинг зиммасида. Биз ҳеч кимни мажбур қилмадик. Бу ишларга аёллар ўз ихтиёрлари билан боришмоқда.

— Эски удумларимизнинг тикланиши, тўйлар ҳақида, расм-русумларимиз ҳақида ҳам суҳбатлашсак.

— Бу соҳада ҳам айрим ишларни қилишга улгурдик. Масалан, теловлик келинчаклар ноҳияда биринчилардан бўлиб, тўй куни кийиладиган европача оқ либосни тарк этиб, никоҳ куни чиройли атлас кўйлак кийишмоқда. Оқча қишлоғидаги Ойимгул момо Ҳудойбоқова, Улфатхон ая Жўманова, Ўғилжон хола Тиллаева, Рохатой опа Абдураҳмонова ва бошқалар қишлоқ тўйларини ўлансиз ўтказмайдиган бўлишди. «Дўстлик» қишлоқ шўроси аҳоли пунктларида ЗАГСдан ўтиш куни бўладиган келин билан куёв жўраларнинг хонаки ўтиришлари йўқ қилиниб, никоҳ дафтарчаси ижроқўм томонидан тўй куни тантанали тақдим этиладиган бўлди. Айни пайтда қорахитойлик аёллар тўй олдидан олинадиган «қалин пули»ни йўқ қилишди. Ҳамма қишлоқларда ҳам тўйларни ихчам, ортиқча сарф-ҳаражатсиз ўтказиш бошлаб юборилди. Увоқ, Ленинчи, Ўзар қишлоқларида тўй куни келинни машинада эмас, пиёда «ёр-ёр» айтиб узатиб келиш амалиётга киритилди. Тўйларда тортишмачоқ ўйинлари удумга кириб бораяпти. Келин учун мебеллар ва тилла узук олиш ишлари ҳам бир маромга тушиб қолди. Бу соҳада ҳамма қишлоқлардаги вакилларимиз, қишлоқ жамоатчилиги жуда яхши ишлар қилишаяпти. Аммо дўконларимиздаги тақчиллик нарх-навонинг ошиб кетиши аёлларимизни жуда қийнаб қўяяпти.

— Агар ўқиган бўлсангиз «Тошкент ҳақиқати»да Дилмурод Сандовнинг ёлғиз аёл тўғрисидаги мақоласи чиққан эди...

— Менга қолса, суюқ оёқ ёлғиз, аёлларга берилган барча имтиёзларни кўп болали, боқувчисидан ажралган, ночор турмуш кечираётган муштипар аёлларга олиб бериш керак. Биласизми, ундай аёллар бизнинг ноҳиямизда ҳам бор. Яна уялмасдан никоҳсиз туғилган болаларини кўчада «кўз-кўз» қилиб юришади. Кеча шундайлардан бири олдимга келди. Оғзи тўла тилла тиш, қулоғидаги тилла сирғалар бу дунёнинг эмас, бармоқларининг деярли ҳаммасида олтин узуклар бордай туюлди менга. Никоҳсиз туғилган болага нафақа уйдириб бериш керак экан. Унга аравасига тушгандан сўнг ашулани ҳам айтиш кераклигини сира тушунтира олмадим. Бундайлар кўпайиб кетди. Баъзан ўйланиб қоламан. Илгари шариат қонунларига кўра бир уйда икки-уч аёл бўлган. Ана шу шариат қонунлари боис суюқ оёқ аёллар, никоҳсиз туғиладиган болалар деярли бўлмаган.

— Армон ва орзуларингиз...

— Имконият туғилсаю бизнинг аёлларимиз мустақил Жумҳуриятимизнинг улуғвор қаддини тиклашга қурблари етадиган забардаст ўғлонлар туғиб тарбиялашни энг улуғ вазифа деб тушунишса, шу мақсадга астойдил интилишса, эркакларимиз аёлларимизни асрай билишса.

Мўмин ҚАЮМОВ суҳбатлашди.

Юлдузлардан маржонлар тизиб,
Шодасини тортиқ этгум бор.
Тўлин ойни самодан ўзиб,
Зеби гардон айлаб тутгум бор.
Бу дунёга икки офтобнинг,
Заруратин сезмадим дилдор.
Кўкдагисин олиб ердаги,—
Қуёш—сенга ҳадя қилгум бор!

Дил МУРОД.
Суратқаш В. ТЎРАЕВ.

МУШТАРИЙЛАР ИЖОДИДАН

СИЗНИ СЎРАЙДИ

Юлдузларга айтсам дардимни
Кўз ёшимдек кетди сочилиб.
Юрагим-ей, тортган ғамингнинг
Жароҳати борар очилиб.
Эҳтиросга тўла дил билан
Майсаларда шабнам йиғлайди.
Хатоларга кулган йўл билан
Алдовларга бағрим тиғлайди.
Бўйларидан анов теракнинг
Ўргилишар саболар чунон.
Бағридан гул очган тилакнинг
Ўйларига ўт кетди бу он.
Қоқигуллар бўлди дугонам,
Ёстиғимни қучиб йиғлайман.
Дала-даштдир — бағри кенг онам,
Кенг бағрида ётиб бўзлайман.
Ана, дара этакларидан
Учиб чиқди армонлар қизил.
Онамнинг ул эртакларида
Ҳақиқатлар синдлар чил-чил.
Пок тилакка қўл силкитар тун,
Ўздан қаро қўллари билан.
Садоқатга қорилган бу кун
Йиғлаб чопар яро дил билан.
Кунларим ҳам сизни сўрайди,
Тунларим ҳам сизни сўрайди...

Ойгул МАМАРАИМОВА,
хизматчи.

● ОҚҚУРҒОН районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида гилам цехининг иш бошлаганига бир йил бўлди. Мазкур цехда 35 нафар хотин-қиз гилам тўқиш билан машғул. Келажакда бу ерда ишни икки сменада ташкил этиш ва гилам тўқишни икки баравар ошириш мўлжалланмоқда. Суратларда: тўқувчилар Меҳри Қаршибоева ва Дилором Умарова; ўнгдаги суратда Манзура Юсупова ва Хайри Эргашевалар жун сифатини кўздан кечиришмоқда.

Суратқаш П. ЭРГАШЕВ.

БИЗ ТЎҚИГАН ГИЛАМЛАР ТЎЙГА БУЮРСИН!

● *Бу ҳам муаммо*

УЛАРНИ «ҚАРИҚИЗ» ДЕЙДИЛАР

УШБУНИ ёзишимга 75 ёшли холамнинг бир оғиз гаплари туртки бўлди.

— Ҳой, болам, эскидан бир нақл бор. Хола ҳам она баробарида бўларкан. Жон болам, гапимга йўқ дема. Орқа девор қўшним Манзура холангни танийсан-а, томоғида холи бор.

Бошимни қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қиламан.

— Ўша Манзурабонунинг ойдаккина қизи бор,— холам шундай деганча қизни мақтаб кетдилар. Ақлию ҳуснини бир жаҳон, сочини «ер супуради», билгани меҳнату уй деб роса терлаб-пишиб гапирдилар ва:

— Шундай фаришталі, сариштали қизнинг тенги чиқмай, ёши ўтиб бораяпти-да,— деб афсусланиб қўйдилар.

— Ўзи-чи энди 27 ёшга чиқди, лекин кўрсанг, йигирма яшар дейсан...

МЕН холамнинг қўшнисини ҳам, унинг Матлуба қизини ҳам яхши танийман. Қиз менидан уч ёш кичик. Оиласида иккинчи қиз. Институтга киришида она тили ва адабиётдан ўзим 20 кунча репетитор (машқ берувчи)лик қилганман. Ҳақиқатда, ақли ҳам, ҳусни ҳам яхши. Фақат... отасининг ичкиликка муккасидан кетиб, тўс-тўполон билан юриши, биринчи куёвини уриб, тан жароҳати етказгани кейинги икки қизининг бахтига тушов бўлган. Ота-ку ўлиб кетди, лекин уч қизнинг бахтини ҳам тўсди. Матлубанинг синглиси ҳам (25 ёшда) опа ҳурмати учун турмушга чиқмай ўтирибди.

Яна кўз олдимдан Матлуба ўтди: кўрганда ерга қараб тургани ҳолда паст овозда саломлашади, гаплашади. Мен ҳеч маҳал уни кимгадир қўполлик қилганини эшитмаганман.

Баъзан холамнинг уйига меҳмонга бориб, ётиб қолардим. Холаваччалар ярим тунгача, гоҳо тонг отар «базми жамшид» қилардик. Тонг қоронғусида ҳовлига чиқиб қолсам, албатта, ҳиргойи эшитардим.

«Қаро кўзум келу мардумлиг эмди фан қилгил...

Қўлида супурги, Матлуба куйларди...

Умуман, ўйлаб қоламан: **«Бу не даврки, гулдек қизлар тенги топилмай, яна «қариқиз» деган гап-сўзга қолиб ўтирсалар?** Нега йигитлар кўпроқ 17—19 ёшли «ошини ҳам йиғлаб ичадиган», бойроқ оиланинг қизларига кўнгил беришади? Ахир, бунинг оқибати яхши бўлмаслиги аниқ-ку!»

Яқинда 26 ёшли Ф. билан суҳбатлашиб қолдим.

— Нега шу вақтгача турмушга чиқмагансиз?

— Йигитлардан кўнглим қолган. Кўнгил берганим — синфдош йигит армияга кета туриб: «Агар вафосизлик қилсанг, ўзимни осаман» деганди. Ўзи эса Свердлов вилоятидан биттасини етаклаб келди... Энг ёмони, «юриши»мизни маҳалла — кўй биларди. Агар турмушга чиқсам бирортасн гаразлик қилиб айтиб қўйса...

31 ёшли Д. билан суҳбатимиздан:

— Тўғриси, уйимиздан совчи аримасди. Бирини у, бирини бу дедим, энди келувчи йўқ. Ҳатто, хотин қўйганлар йигирма яшар қизга уйланаяпти...

Ҳа, унинг гапида жон бор. Гапнинг очиғи, бундай суҳбатларни ўнлаб келтириш мумкин. Лекин... Отаси ичади ёки ўртаҳол оиладан экан, деб қизларни «нав»ларга ажратиш одамгарчиликданми?

Гоҳо айрим таниш-ларим ҳам чиройли, ёш-ёш қизларга ошиқлик қилиб юрадилар. «Чирой тўйда, муҳаббат кунда керак!» дейди доно халқимиз. Қадрингга етиб, уйим, рўзғорим дейдиган, ҳаётнинг пасту-баландини тушунган рафиқа керакми ёки «йиғлаб ош ичиб, мол-мулк талашадиган»ими? Бу борада муштарийлар фикрини билишни истардим.

Д. САИДОВ.

Д. Саидовнинг юқоридаги мақоласида бугунги кунимизнинг долзарб муаммоларидан бири кўтарилган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Ушбудан келиб чиқиб, «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида «ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР» бўлими мавжудлигини, ўз тенги ва бахтини излаётган ёшлар мазкур бўлим орқали эълонлар беришлари мумкинлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз.

БИЗ ДОИМО ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЕРМИЗ!

* *Фарзандлар оналар ҳақида*

ОҚИБАТЛИ ЭДИЛАР

Одатда бировни синаш учун ё қўшни бўлиш керак, ёки қуда дейишади. Дарҳақиқат, қўшнилар ҳам бир-бирининг феъли-атвори, хулқи, турмуш-тарзидан воқиф бўлишади. Қудалар эса бир-бирларини тўлдиришади. Агар уларнинг феъли-атвори, дунёқараши, қизиқишлари ўхшаш, яқин бўлса уларнинг фарзандлари ҳам иноқ, тотув яшашиб, ота-оналаридек пиру бадавлат, ҳиммат-ли бўлишади. Кўпинча бир-бирларини ҳавас қилиб яхши ният билан қуда бўлишганлар сал ўтмай ўзаро муносабатларидан кўнгилларни тўлмай, ораларига совуқчилик тушадики, бу албатта ёшларнинг ҳаётига ҳам ноҳуш таъсир қилади.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган қудалар бу дунёдан кетишган бўлса-да, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари ҳамон фарзандлари қалбини ёритиб, уларни ҳам шундай бўлишга ундаб келяпти.

Бу худо раҳмати инсонлар дунёдаги барча қийинчилигу эзгуликларни кўришган эди. Ўзлари саводли, ўқимишли бўлишмасада, таби ат уларга нозик дид, кучли ирода, ўткир ақл ато этганди.

Шунинг учун улар ҳаёт кезларида фақат кишиларга яхшилик, меҳр-шафқат, оқибат кўрсатиб яшашган. Қудаларнинг бирлари шаҳарлик, иккинчилари қишлоқдан бўлса-да, уларнинг қудачиликларига ҳамон ҳамма ҳавас қилиб эслайди. Мен бу волидан муҳтарамаларимни доимо чуқур меҳр ва ноз-ик соғинч билан хотирлайман.

Эсимдан асло ўчмас баъзи лавҳаларни ҳикоя қилиб бераман.

60—70 йиллар коммунистик партия ҳукмронлигининг энг авжга чиққан пайти. Район партия комитети тарғибот, ташвиқот бўлимининг аралашмаган соҳаси йўқ эди. Шунинг учун бу бўлимда ишлайдиган ходимлар кеча-кундуз ишласа ҳам кўп ишлар чала қоларди. Мен эса шу бўлимга мудирлик қилардим. Ўйда 4 нафар фарзандимни онагинам тарбия қилардилар. У вақтларда ҳомиладорлик таътили икки марта 56 кундан иборат бўларди. Ишга болалар ухлаб ётган пайтда азонда кетиб, кечқурун улар тўшакда туш кўришаётганларида келардим.

Тўрт бола, қуёвнинг кийим-кечагини ювиш, овқат тайёрлаш, уларни саранжомсаришта тутиш, меҳмон кутиш, менга ёқадиган таомлар пишириб хорғин ҳолимга руҳ бағишлаш онажонимга малол келмасди. Кўпинча кечикиб келсам, эсон-омон келдингми болажоним, худога шукур, кўзим кўзингга тушди, кел шу кўзларингдан бир ўпай, деб ҳокисорлик билан чарчоғимни тарқатишга уринардилар, меҳрибон онажоним.

У пайтларда райкомнинг бюро йиғилишлари жуда шиддатли, бир неча соатлаб ўтарди. Ундан кейин иштирокчиларнинг асаблари таранг, кайфиятлари ҳуфтон бўларди. Шундай пайтларда уйга келиб, онажонимнинг мулоҳазалари, доно ўгитларини тинглаб дам олардим.

— Ҳафа бўлма болам, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Ҳали яхши кунлар ҳам кўрасизлар, сиз ёшлар, дердилар.

Шундай суронли ишлардан сўнг ҳар йили бир ой меҳнат таътили бериларди. Албатта, уни бюро, телефон йўқ жойда ўтказишга интилардик. Комсомол, партия, совет аппаратларида ишлаганларнинг деярли барчаси ошқозон-ичак, юрак, асаб касаллигига мубтало бўларди. Мен ҳам ошқозон касали билан азоб чекардим. Шубҳасиз, ҳар йилги отпускани Шимолий Кавказ курортларида ўтказардим. Ана шундай пайтларда онам билан қайнонам уйим, болаларим ва уларнинг отасига меҳрибонлик билан қарашарди. Келгунимча хоналарни тозалаб, кўрпа-ёстиқларни янгилаб, худди ҳурматли меҳмонни кутгандек тараддуд билан кутиб олишарди. Кўпинча иккала қуда бирга бўлишарди. Уларнинг муносабатларини кўриб роҳат қилардим.

Онам кун ора қишлоқдаги уйига бориб, қудапошшалари учун патир ёпиб, қатиқ ивитиб, сут, қошларига қўйиш учун бир даста ўсма олиб келардилар.

Кўпинча ойим қайнонамдан олдин намоз ўқиб бўлиб, ассоммуалайкум, қудапошша, яхши ётиб турдингизми, нима егингиз келяпти, нима пишириб берай,— деб кўришиб мурожаат қилардилар. Мен баъзан, ойи нега «подхалимлик» қиласиз»,— дея ҳазиллашсам, болам, ундай дема, бу дунёга ҳамма меҳмон, яхшилик яхши,— дердилар.

Онам қайнонамдан саккиз йил аввал оламдан ўтиб кетдилар. Раҳматли қандай қудашошшам бор эди, деб йиғлай-йиғлай қайнонам ҳам оламдан ўтдилар.

Деярли ҳар куни дилимга яқин бўлган бу икки улуғ ва камтарин онахонларимни тез-тез эслайману, қиқиларга, таниш-билиш, қариндошуруғларга яхшилик қилишга шошиламан. Зеро шунда бу волидан меҳрибонларим руҳи шод бўлгандек.

М. ХУЖАЕВА,
Ўрта Чирчиқ районн.

• *Шундай одамлар бор бўлсин*

ЭСКИТОШКЕНТЛИК ШИФОКОРЛАР

«ҚИШЛОҚ ПРОФЕССОРИ» ДЕБ НОМ ОЛГАН БИЛИМДОН ВРАЧ АҲРОРХЎЖА ҚОСИМОВ ВА УНИНГ ҲАМКАСБЛАРИ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ ХУСУСИДА

Мен шунчаки тумов бўлибман, деб юрган эдим, адашибман. Дард бутун қувватимни канадек сўриб, тўшакка йиқитди. Томоғим хириллаб, овоз чиқмайди денг, дунё кўзимга тор кўринади, сиркам сув кўтармайди. Ўзим билган дўхтирларга бордим, картошка қайнатиб, бурнига оғзимни тутдим, йўқ, овоз чиқиш ўрнига баттар пастлаб кетяпти.

Буюрда қолгандек, томоғимни ўраб юрган кунларнинг бирида уйимизга таниш колхоз раиси кириб келди.

— Сирдарёга боринг,— деди у.— Истеъфодаги полковник табибчилик қилади. Мен ҳам сизга ўхшаб томоғим оғриганда, ўшанга бордим. Мана, тузалдим, овозим ҳам балодек...

Дард гирибонингиздан бўғиб турганда даволаниш илинжида ким қаёққа бошласа, кетаверар экансиз. Сирдарёлиқ полковникка бордим. Навбат билан кирдим. Ўша куни ўзи йўқ экан, бир томонга «шох» ташлаб юрадиган аёли беморларни қабул қиларди. «Оғзингизни очинг», деди, алланималарни суркади, лунжимга укол қилди. «Ана, энди, музқаймоқ енг». Табибдан «фатво» олгач, кун совуқлигига қарамай, иккита музқаймоқни паққос туширдим. Ана, энди кўринг томошани! Томоқ қурғур баттар шишиб, сал-пал чиқиб турган овозим ҳам йўқолди.

Ҳол-аҳвол сўрагани кириб турадиган дўстларимдан бири содда—гўллигимдан жиғ-бийрони чиқиб, маслаҳат берди:

— Ўзинг яхши биласан, оғайни, ҳозир ҳамма нарса пул билан ўлчаняпти. Пуллик шифохонага ёт, беминнат, яхши қарашади.

Пулни белимга тугиб, пуллик хизматга ўтган йирик шифохоналардан бирига бордим. Икки кишилик палатага жойлаштиришди. Пул тўлаб қўйдим, энди югуриб-елиб даволэшар, деган қаёлдаман. Худога шукур, бизда ҳам чет эллардагидек тартиб жорий этиляпти. Хорижда белгиланган миқдорда пул тўлаб, барча шароитлари мавжуд шифохоналарда даволанишар экан. Палаталарга чўғдек гиламлар тўшалган, телевизор, радио, фариштадек гўзал ҳамширалар хизматингизда... Тўғри, мен ётган палатада телевизор, радио йўқ, гилам солинмаган, тошдек қаттиқ ўриндиқ ҳар қимирлаганимда аянчли ғижирлайди. Хўш, нима бўпти? Юмшоқ диванларда ётгани эмас, даволангани келганман-ку.

Бир-икки кундан кейин даволовчи врачимиз, қўғирчоқдеккина, малла сочли аёл кириб келди. Ўзи чиройли бўлган билан, сўзларидан Сибир совуғи уфуради, денг, шифохона халати билан уйга қочиб кетгим келди.

— Шунга қарамай, даволашга ҳаракат қиламиз,— деди у сўзларига хулоса ясаб.— Лекин, дори, укол масаласи чатоқроқ. Таниш-ларингиз топиб келишар?

— Ахир, пул тўлаб ётибман, дорини ўзларинг топасизлар-да!

— Яна ўзингиз биласиз.

Хуллас, бу ерда ўн олти кун ётиб, заррача наф топмадим. Битта укол топилса, бошқаси топилмайди. Шифохонада пул тўлаганга ҳам, тўламаганга ҳам бир хил қарашар экан.

Шифохона бош врачи менга шундай деган эди: «Биз республикада биринчи бўлиб, пуллик хизматга ўтдик. Зеригканингизда барча қаватларни айланиб чиқинг, ишларимиз билан танишинг». Афсуски, бош врач илтимосини бажара олмадим. Тайинли даволаб олмаган шифохонани нима деб ёзаман...

Таъбим хира, асабим таранг бўлиб юрган кунларнинг бирида Чиноздаги физиотерапия шифохонаси бош врачи Аҳрорхўжа Қосимовни учратиб қолдим.

— Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтадиларда—дея гина қилди у.— Мен сизга ўзимизга келинг, даволаймиз, деб айтганман, бир чеккадаги кичкинагина шифохонада нима даво топардим, деганисиз, келмадингиз. Ҳалиям кеч эмас, эртага келинг, жой ҳозирлаб қўяман.

Палатада тўрт кишимиз. Район электр тармоқлари идораси директори Темирали Омонов ҳам шу ерда.

— Бу ерга келиб, яхши қилибсиз,— деди у.— Мени айтди, дерсиз, худо ҳоҳласа тузалиб кетасиз. Аҳрорхўжа ёш бўлса-да, бало, сеҳргар. Замбилга солиб олиб келишган қанча беморларни оёққа турғизиб юборишди. Мана, ўзимдан мисол: ойлаб касалланиб юрдим, Тошкентга бордим. Биттаси ҳам аниқ диагноз қўя олмади. Сизга ўхшаб менинг ҳам руҳим тушиб кетган денг, дунё кўзимга қоронғу кўринади, қишда ҳам ғарқ-ғарқ терлайман, қувват йўқ. Аҳрорхўжага келдим. У обдон текшириб: «Сиз фалон касалсиз, ўзимиз тузатамиз», деди. Мана, тузалиб кетдим, кайфиятим енгил, иштаҳам зўр, ҳатто беш-олти кило семирдим.

— Мени бу ерга бир аҳволда олиб келишганди,— деди Мусурмонқул деган жиккаккина йигит.— Шишиб кетганман, юрагим, жигарим безовта қиларди. Аҳрорхўжага, ҳамширалларга минг раҳматки, тез орада оёққа турғизишди.

Шу пайт палатага Аҳрорхўжа кириб келди. У томиримни ушлаганча мени нима безовта қилаётганини бирма-бир айта бошлади. Ҳаммаси тўғри эди.

— Узоғи билан бир ойда танангиздан бутун дардларингизни ҳайдаймиз. Бунинг учун шифохонамиз қоидаларига амал қилишингиз лозим.

У шунчалик ишонч билан гапирар эдики, бутун шубҳа-гумонларим тумандек тарқалиб кетди, дадиллашдим...

Икки-уч ҳафтадан кейин қувватга кирдим, бир ой деганда танамдаги дардлар чекинганини ҳис этдим, юзимга қизил югуриб, кўзларим равшанлашди.

Ҳақиқатан Аҳрорхўжада қандайдир сеҳр кучи бор эди. У беморларни сўз билан ҳам даволарди.

— Шифокор ўзи даволаётган беморининг тузалаётганини кўрса кўнгли тоғдек кўтарилади,— деди бир куни Аҳрорхўжа ўзаро суҳбатимизда.— Агар биз беморни ишонтира олмасак, бутун тоат-ибодатимиз бекор кетади. Доридан ҳам сўз қудрати кучли.

Мўъжазгина шифохонага келган киши борки, бу ердан ноумид бўлиб кетмайди, бутун дардига шифо топиб, оиласи бағрига қайтади. Мен ошқозон, оёқ оғриғи, асаб, юрак касалликларига чалинган кишиларнинг тузалганликларини кўрдим.

Шифохона ҳамширалари маданиятли, ширинсухан, бир оғиз оғир ботадиган сўз айтишмайди, хизмат вазифаларини аъло даражада бажаришади. Бош ҳамшира Зера Эмирова, ҳамширалардан Улбўсин Қўчқорова, Мастура Жумабоева, Умида Каримова, Раҳима Холматова, Малика Сайдалиевалар тўғрисида ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак озлик қилади. Ёнма-ён даволовчи врач Неъмат Қорақулов қанчадан-қанча беморлар дардига шифо топди.

Одамлар физиотерапия шифохонаси жойлашган боғни машҳур механизатор Турсуной Охунова дачаси, деб аташади. Каттагина, сўлим боғ ичидаги бу масканга илгари фақат амалдорлар келиб туришарди. Кейинчалик район раҳбарлигининг тавсияси билан боғда физиотерапия шифохонаси очилди. Ўша пайтда Аҳрорхўжа Қосимов район марказий шифохонаси бош врачининг ўринбосари ва партия ташкилотининг котиби эди. У даланинг ўртасидаги уч-тўрт хонадан иборат бинода шифохона очиш машаққатини ўз зиммасига олди. Кўп ўтмай марказий шифохона маъмурияти ёрдами ҳамда Аҳрорхўжанинг елиб-югуриши натижасида ўринлар сони 20 тадан 50 тага етказилди, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди.

Эзгу ишлар, яхши одамлар довруғи тез тарқалади: бу ердан даволаниб чиққан кишилар Аҳрорхўжа ва унинг ҳамкасблари ҳақида тилларидан бол томиб гапиришар, мақтовлар оғиздан оғизга ўтиб, қўшни районлар, ҳатто узоқ вилоятларга бориб етарди.

Пул билан диплом олган шифокорда даволанишдан худо сақласин. Бундай кишиларнинг ҳавоси баланд бўлади, уларга бемор пул сифатида кўринади.

Аҳрорхўжа Қосимов эса бутунлай бошқача олам: маданиятли суҳбатдош, билимдон шифокор, меҳрибон дўст. Бундай кишиларга дардингизни айтсангиз енгиллашасиз, кўнглингизда ишонч уйғонади. Унинг бутун оила аъзолари камтарин инсонлардан. Район матлубот жамиятига узлуксиз ўттиз йилдан зиёд раҳбарлик қилган марҳум Сиддиқа опа Қосимова ўз фарзандларини инсонпарвар, меҳнаткаш қилиб тарбиялади. Қизлари Сапура, Арофатлар муаллима, ёш авлодга таълим беришади, ўғли Бахтиёрхўжа Қосимов Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бўлимида хизмат қилади. Қосимовларнинг эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонишида Сиддиқа опанинг укаси Тошпўлат Эргашевнинг ҳам хизмати катта. Тошпўлат ака ўз жиянларига ажойиб фазилатлари, мақсад сари интилиши билан намуна кўрсатди.

Аҳрорхўжа бизга шифохона муаммолари хусусида оғиз очмади, уларни беморлардан эшитдик. Кимдир боғ ичида кўп-қаватли физиотерапия хонаси қурилса яхши бўларди, деди. Негаки, ҳозирги бино торлик қилиб қолди, баъзан ҳамширалар дам оладиган хонага ҳам беморларни жойлаштиришга тўғри келяпти, бош врач каталакдек хонада ишлайди, беморлар маданий ҳордиқ чиқарадиган жой йўқ.

Яна бир муаммо: шифохона даланинг ўртасига жойлашганлиги учун бу ерга автобус келмайди, Эски Тошкент қишлоғи марказидан қайтиб кетаверади. Ҳолбуки, ўша автобус маршрути салгина чўзилиб, шифохонага етказилса, шу ердан қайтиб кетадиган бўлса беморлар ҳам, уларни кўргани келадиган кишилар ҳам азият чекишмайди. Бу муаммони ҳал этиш учун маҳсус йиғилишлар ўтказиб, махсус қарорлар қабул қилиш шарт эмас, фақат салгина эътибор, ташкилотчилик топилса — олам гулистон.

Эсон ҚОСИМОВ.

Суратларда: Барно Сайдалиева (чапда), ҳамшира Муҳаббат Абдужабборова (ўнгда юқорида): беморлар сайр пайтида (пастдаги сурат).

Даврон АҲМАД олган суратлар.

• *Шу кунниング мавзуида*

ИМТИҲОНЛАР ЯҚИН

● Республика олий ўқув юртларида қабул комиссияси иш бошлади. Ўзбекистондаги 24 та олий ўқув юртига кундузги бўлимларда ўқишни хоҳлаган йигит ва қизлардан тўққиз мингтага яқин ариза тушди.

Тошкент Давлат дорилфунуни билан Шарқшунослик институти ҳамон нуфузли ўқув юртларидан ҳисобланмоқда. Чунончи, Тошкент Давлат дорилфунунига 975 талаба қабул қилиниши лозим, шу ўринга ҳозир 1115 та ариза тушди. Бошқа олий ўқув юртларида қабул имтиҳонларини топшириши ҳоҳловчилар қабул қилинадиган талабалар сонидан камроқ.

Шу йилдан бошлаб Тошкентдаги бешта олий ўқув юртида — Техника дорилфунунида, Автомобиль йўллари институтида, Тўқимачилик ва енгил саноат институтида, Электротехника алоқа институтида ҳамда Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида тажриба ўтказилади. Кириш имтиҳонлари ўрнига ёшларни махсус тайёрланган программага мувофиқ умумий суҳбат кутади. Бу институтларда ҳам аризалар сони қабул қилиш режаларидан кўп эмас. Масалан, Техника дорилфунунига 272 йигит ва қиз ариза топширди, ҳолбуки 520 талабани қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Республика олий ўқув юртларида ўзбекистонликлардан ташқари МДҲнинг бошқа давлатларидан — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондан келган талабалар ҳам ўқийдилар. Улардан аризалар бирор корхона ёки муассаса уларнинг таълим олиши учун ҳақ тўлашга кафолат берсагина қабул қилинади. Талабалар қабул қилишни кооперациялашга доир республикалараро шартномалар имзоланган бўлиб, бу шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон олий ўқув юртларида ана шундай талабалар учун 358 ўрин ажратилган. Мисол учун Тошкент техника дорилфунунига 39 талабани, Андижон Давлат дорилфунунига 40, Гулистон дорилфунунига 62 талабани қабул қилиш режалаштирилган.

Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

(ЎзА).

ЭКРАНДА ТАРИХ АКС САДОСИ

Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти қошида тузилган «Мерос» киностудияси шу йил бошида «Аждодлар нидоси» номли кўп туркумли бадиий фильмнинг «Сўғдиёна маъбудлари» деб аталган дастлабки икки қисмини суратга тушира бошлаган эди. Яқинда унинг биринчи қисми тайёр бўлди.

«Сўғдиёна маъбудлари» сценарийсини Дмитрий Василиу ҳамда Ғиёс Шермуҳамедов ёзган. Умуман, бу киноэпопея жуда катта даврни — олтинчи аср воқеаларини, арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келишини, шундан кейинги замонлардаги халқ ҳаётини акс эттиради.

«Сўғдиёна маъбудлари» фильмининг дастлабки қисми Тожикистоннинг Исфара районида суратга туширилди, навбатдаги қисми эса Жазоирда олинади. Шуни айтиш керакки, 15 туркумли бу киноҳикояни Ўрта Осиё, Хитой, Жазоир, Ҳиндистон сингари мамлакатларда суратга олиш режалаштирилмоқда. Фильмда Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби бобокалонларимиз ҳаёти ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Унда Зикир Муҳаммаджонов, Шуҳрат Эргашев, Беҳзод Муҳаммадкаримов, Фотима Режаметова каби ўзбек актёрларидан ташқари чет эл кино санъатнинг таниқли юлдузлари ҳам иштирок этади.

— Бундай катта асарни битта киностудия эплаши қийин,— дейди «Мерос» киностудияси бош директори В. Акмалов.— Шуни ҳисобга олиб «Юлдуз» киностудияси билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Қолаверса, Жазоирнинг «Каанк» кинокомпанияси, Эроннинг «Новинфильм» киностудияси ҳам бу хайрли ишда қатнашади. «Сўғдиёна маъбудлари» фильмининг дастлабки қисмини суратга олиш учун етти миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Киностудиямиз моддий жиҳатдан бирмунча оғир аҳволда. Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг ташаббуси билан бошланган бу ишга бошқа ташкилотлар ҳам кўмаклашса айни муддао бўлур эди.

А. АЗИМОВ,
ЎзА мухбири.

• *ХОТИРА*

ШОИР СИРА ЎЛГАН ЭМАС

ХАССОС шоир, таржимон ва публицист Жонибек Қувноқ бир шеърида шундай деганди:

...Оғалар, гузардан тобут ўтганда
Бешик дастасини кўзларга суртинг!

Бу мисралар қалбимга муҳрланиб қолган. Бу шунчаки шеър эмас, ҳаётга берилган умрга шукроналикдир. Афсуски, гоҳо шукримизни унутиб қўямиз...

Бекназар ХУДОЙБЕРГАНОВнинг таржимаи ҳолига қараб, ўткинчи бўлса-да бу ёруғ дунёда юрганимга яна минг-минг шукрлар айтдим.

Бекназар оға асли Хоразм вилоятидан. 1952 йили Урганч шаҳрида туғилган. 1971 йили ТошДУ журналистика куллиётига ўқишга кириб, 1976 йили уни имтиёзли диплом билан тугатган. Узоқ хасталикдан сўнг 1984 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

— Оғам кўп касал бўларди,— деб эслайди синглиси,— мен ҳам Тошкентда ўқиардим, ишлардим. Шу ердан уй олиб, яшаб қолдим. Тўғриси, оғамнинг соғлиғи мени кўп ташвишга соларди. Аммо у жуда иродали эди. Умридан саноқли кунлар қолганини билса-да, мени юпатишга ҳаракат қилар, ёзган шеърларини ўқиб берарди. Биз бир-биримизга жуда суяниб қолгандик. Оғам ҳатто уйланган ҳам эмасди. Доимо «илк тўпламим чиққач, сўнг уйланаман», дерди...

Аммо Бекназар Худойберганов бу орзуларига етиша олмади. Китобини чоп эттириш, сўнг уйланиш унга насиб этмади.

Яна Жонибек Қувноқ мисраларини эслайман:

«Бу ҳаёт даргоҳида ҳар ким омонатдир, вале
«Мен омонат» деб ҳаёт қасрин омонат кўрмагум!

Бу мисралар талқинини мен Бекназар оға ҳаётида яққол кўраман.

У ўзининг 32 йиллик умрида қатор жонли мисралар яратди. Унинг шеърлари Бекназар оға учун иккинчи — мангу умр бўлиб қолди.



У — шоир. Шоирлар эса мангуликка даҳлдордирлар:

Шоир сира ўлган эмас,
Мисралардан тошади у.
Ажал ҳукми унга абас,
Эл қалбида яшайди у.
Кимларгадир бойлик тоғ-тоғ,
Аммо ҳаёт фоний эрур.
Шеър аҳлини эгни ямоқ,
Умру дард мангу берилур!

Дилмурод ЭГАМБЕРДИ ўғли

Қуйида Бекназар Худойберганов ижодидан намуналар чоп этилмоқда.

ЁРГА МАНГЗАР

Ўтиб кетдинг кулиб-боқиб,
Кулишларинг ёрга мангзар.
Баҳор каби гуллар тақиб
Юришларинг ёрга мангзар.
Тўхтаб баъзан гул қошида,
Уйга толиб ёнбошида,
Бўлиб гулдай йўл бошида,
Туришларинг ёрга мангзар.
Толим-толим сочинг тараб,
Турар эдинг менга қараб.
Индамасам қор[2] этиб, даб—
Буришларинг ёрга мангзар.
Кечир мени, кўнгли борим,
Сен эслатдинг шўх дилдорим.
Гар истасанг айтай: ҳолим—
Сўрашларинг ёрга мангзар.

1. Мангзар — ўхшар (шева)
2. Қор этиб — жаҳл қилиб (шева)

ТОМЧИ УМРИ

Мен гуллар ичида қолганман
Беғубор осмонга тикилиб,
Ва сени эрта йўқотганман
Кўзларингдан ерга йиқилиб,
Оҳ, сенга ҳавасим келади:
Бемалол дунёда учишга.
О, ҳаёт! Менга ҳам берсанг-чи
Қанотинг, кўкларни қучишга.
Раҳмат-эй, яхши қол—
Учаман...
Қўнаман Булутнинг кўзига.
Сўнг яна отилиб тушаман
Соғинчдан она-Ер юзига.
Мен гуллар ичида қолгайман
Беғубор осмонга тикилиб...

ДАРЁ БИЛАН

Ёрим кетди дилим ёқиб
Тўлқин отар дарё билан.
Қирғоқда мен узоқ боқиб
Қолдим ёлғиз дунё билан.
Қолди жафо, қолди фиғон,
Қолди ҳаёл, қолди туғён,
Кетди висол, қолди ҳижрон
Кўзларимда сиймо билан.
Эй тўлқинлар, эслаб қолинг,
Қайтар бўлса кутиб олинг,
Яна бирга йўлга солинг
Уни менга вафо билан...
Ёрим кетди дилим ёқиб
Тўлқин отар дарё билан.
Қирғоқда мен узоқ боқиб
Қолдим ёлғиз дунё билан.

ТЎРТЛИК

Уйқуга бош қўйди нуроний Қуёш,
Дунёнинг кўзлари ялтиди.
Осмонда юлдузлар борлиги
Шундан сўнг, шундан сўнг билинди.

Бекназар ХУДОЙБЕРГАНОВ.

• *Таҳририятга хат*

ЗОРАМИ, ЗОРА...

ЎТГАН ЙИЛИ «Тошкент ҳақиқати», «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» газеталарига, «Саодат», «Ёш куч» журналларига обуна бўлгандим. Шулардан «Ёш куч» журналининг фақат 3—4 сонларини, «Саодат»нинг 1—4 сонларини олдим, халос. Программалар газетини май ойигача ўқиш насиб қилди.

Ҳозир газет ўқимасангиз янгиликлардан бехабар қоласиз. Шунинг учун Сирғали районидаги «Сирғали-7» мавзесининг 62-уйида истиқомат қилувчилар газета ва журналларга обуна бўлишганди. Лекин, обуначилар чучварани хом санашган экан, Алоқа вазирлигининг Сирғалидаги 85-алоқа бўлими ходимлари газета ва журналларни эгаларига ўз вақтида етказиб беришга бепарво қарашяпти. Масалан, ўзим «Тошкент ҳақиқати»нинг шанба сонини икки ҳафтадан бери олганим йўқ.

Диққатим ошиб, 85-алоқа бўлимига бордим. Дардимни айтдим. 62-уйга хизмат қилувчи 3-участка вакили алоқа ходими Нелли Уликова дафтаридан 8, 14, 16-хоналарни узоқ қидирди ва ниҳоят «14, 16-хонадонда яшовчилар ҳеч қайси газет ва журналга обуна бўлишмаган», деди.

— 16-хонада мен тураман, нимага ёзилганимни яхши биламан-ку,— дедим.

— Кечирасиз, мана, топдим, «Тошкент ҳақиқати»га ёзилган экансиз. Биз ўз вақтида тарқатаяпмиз...

Алоқа бўлимида машиналар кеч келишини, график шундай тузилганлигини айтишди.

Бу мақоламизни шояд алоқа вазирлигидаги мутасаддилар ўқишсаю, биз, обуначилар газета ва журналларимизни ўз вақтида олсак.

Шуҳрат МУРОДОВ.

ПАРКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ФОЙДАЛАНСА БЎЛАРКАН

● ПАРКЕНТ туманининг кичик даҳасидаги одамларнинг диққатини тортмай ташландиқ ётган икки қаватли бино қайта таъмирланди. Эндиликда бу жойга кишилар серқатнов бўлиб қолишди. Чунки, у ерда туман марказий жамғарма банки мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

ФАҚАТ МОСКВА ОРҚАЛИ ЭМАС...

● Ниёзхон УМАРОВ бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлар туркияликларни ўзбек туркийсининг миллий қўшиқ ва мусиқалари билан баҳраманд этишди. Айниқса, доврачи Бахтиёр Йўлдошев чалган мусиқий зарблар туркиялик қардошларимизга манзур бўлди. Ўзбекистонлик санъаткорлар Тошкентга қайтиб келишди.

Зилола МИРОБИДОВА.

Муҳаррир ўринбосари Р. УМАРОВ.

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ
Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми: 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати $84\times108^{1/32}$, $70\times108^{1/32}$, $84\times108^{1/16}$, $70\times108^{1/16}$;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, открыткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90—120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар;

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қ[illegible]га ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача,
асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Клише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ — 33-99-15.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—220. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 31646 нусха босилади.